




◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 май куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқот қилди.
Давлатимиз раҳбари Туркия етакчисини мамлакатда президентлик ва парламент сайловлари муваффақиятли ўтказилгани билан самимий қутлади. Уларнинг яқунларига кўра, сайловчиларнинг кўпчилиги амалдаги Президент ва Республика альянсига овоз берган.



◆ Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонунга имзо чекиди.



◆ Президент Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш ишларини янги поғонага олиб чиқиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



◆ Пойтахтимиздаги кўп тармоқли «Нуро Арена» спорт мажмуида бокс бўйича жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Боксчиларимиз жаҳон чемпионатида 5 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза медалга сазовор бўлишди.



◆ Тошкент ҳарбий округи «Ангрен» дала ўқув майдонида Ўзбекистон ва Қозғистон Қуроли Кучлари бўлинмалари ҳамкорлигидаги «Қалқон – 2023» махсус-тактик ўқувларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

◆ Марказий Осиё халқаро институтида Хайдар Алиевнинг 100 йиллигига бағишланган «Хайдар Алиевнинг Ўзбекистон – Озарбайжон ҳамкорлигини ривожлантиришдаги роли» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди.

«ОЛТИН ҚАЛАМ»

ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказилаётган «Олтин қалам» танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Журналистлар уюшмаси маълумотига кўра, бу йил «Олтин қалам» XVII Миллий мукофоти учун халқаро танловда ҳар йилгидан кўп – 500 дан зиёд ОАВ вакиллари 4 мингга яқин ижодий ишлари билан иштирок этди.

Тантанали тадбирда телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрлар йўналиши, барча номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди. Уларга махсус статуетка, пул мукофоти, дипломлар тантанали топширилди.

Шунингдек, рағбатлантирувчи номинациялар бўйича совриндорлар ҳам тақдирланди.

Бош миллий мукофотга Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети муносиб деб топилди.

Унга енгил автомобиль, махсус статуетка ва диплом тантанали равишда топширилди.



Носиржон ХАЙДАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Келгуси сонларда ўқинг...



Бир асрлик умр сири



Сайёҳларни сарсон қилаётган йўللار



Жавобини кутаётган саволлар



Наманган вилояти

Фестиваль

Туллар шаҳри байрамга тайёр

Саноқли кунлардан сўнг Наманганда 62-Халқаро гуллар фестивалига старт берилди. Шу муносабат билан айни дамда бу маконда маҳаллий ва хорижий сайёҳларни ранг-баранг гуллар ифори ва чиройли композициялар билан ҳайратга солишга тайёргарлик ишлари авж палласида. Бугун наманганликлар Заҳриддин Мухаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, Адиблар ҳиёбони ҳамда «Афсоналар водийси» тематик паркига турли-туман гуллардан ранг-баранг либос кийдиришмоқда, десак, муболаға бўлмас.

21 май куни бошланган ушбу фестиваль бир ой давомида кенг нишонланади. Унда юртимиз ҳамда хорижий давлатлардан ташриф буюрган моҳир гулчилар, икебана санъати усталари, ландшафт дизайнерлари байрам баҳонасида ўз маҳоратларини на-

мойиш этишади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу фестиваль бир неча йиллардан буён гулчилар учун катта савдо майдони ҳам айлангани рости. Қисқача рақамларга тўхталадиган бўлсак, ўтган

йилги фестиваль чоғи имзоланган шартномалар ортидан наманганлик гулчилар юртимизнинг турли ҳудудлари ҳамда хорижга 5 миллиондан ортиқ гул етказиб беришди.

Рангин гуллар билан ўзига хос тарзда безатилган машиналар парадни саҳнаси билан очилиши режалаштирилган бу йилги халқаро гул байрамнинг ҳар куни бир-бирдан қизиқарли маданий тадбирлар билан барчага бирдек манзур бўлиши, шубҳасиз.

Гуллар шаҳри Наманган гул шайдоларини кутиб қолади!

Орзуғул РУСТАМОВА
«ISHONCH»



Азиз газетхонлар!
Сизга «Ishonch» газетаси ўз вақтида етиб бораётими?
Бу борада муаммолар бўлса, телеграмдаги «Муштарий минбари» каналига – t.me/ishonchmurojaat манзили орқали мурожаат қилинг. Сизнинг ишончингиз – биз учун муҳим!

Тадбир

ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТУШУНТИРИЛДИ

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси томонидан янги тахрирдаги Меҳнат кодексидagi ўзгаришлар билан тармоқ вакиллари яқиндан таништирилди. Бу хусусда касба уюшмалари Федерацияси ҳуқуқшуноси Лола Нишоновна батафсил сўз юритди. Шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси мутахассислари эса қатнашувчиларни қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб беришди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»





Президентимизнинг туризмга оид бир қатор қарорлари талабларидан келиб чиқиб, санаторийларда дам олувчиларга кўрсатилаётган сервис хизматлар салоҳиятини юксалтириш, бино ва хоналар интерьерларини яхшилаш ҳисобига дам олувчилар сони ва қўнимини ошириш учун ҳар бир санаторийда фаолият юритувчи ходимлардан белгиланган иш ҳақиға устама қўйиш ҳисобига, асосий лавозим вазибаларига қўшимча вазифа юклатиб, махсус таълим, керакли иш кўникмаларига эга бўлган масъул мутахассислар (супервайзерлар) тайинланди.

Ўқув-семинар



Супервайзерлар иш бошлади

Санатор-курортлар бошқармаси томонидан «Ботаника» санаторийсида супервайзерларнинг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш учун «Санаторийларда хўжалик-сервис хизматлар сифатини ошириш» мавзусида семинар ташкил этилди. Унда супервайзерларнинг қўшимча вазибалари қилиб: ошхона, ётоқ бўлимлари ва санаторий ҳудудидида хизмат кўрсатувчи техник ва бошқа ходимлар ишини такомиллаштириш, кўрсатилаётган хизматлар сифати ва самарасини замон талаблари даражасига олиб чиқиш, мазкур

ҳодимлар томонидан дам олувчилар билан мулоқот ва муносабатда бўлишда этика, эстетика ва деантология меъёрлари ва талабларига жавоб беришларини тартибга солиш, уларнинг ишини мувофиқлаштириш белгилаб берилди.

Семинар якунлари бўйича ҳар бир мутахассис суҳбатдан ўтказилиб, махсус сертификатлар топширилди.

Малика АЛИМБЕКОВА,
Санатор-курортлар бошқармаси ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси

Таҳлилларга бой бўлди

Сарҳисоб

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг раёсат йиғилиши ўтказилди. Унда ўтган йил учун статистик ҳисобот, содир бўлган бахтсиз ҳодисалар таҳлили, молиявий фаолият натижалари, шунингдек, жорий йилнинг I чораги давомида олиб борилган ишлар кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, тармоқ ходимлари касаба уюшмалари томонидан жорий йил уч ой давомида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятининг устувор йўналишлари доирасида аниқ мақсадга қаратилган ишлар амалга оширилди. Давлат дастури ижросига асосан, тармоқ касаба уюшмасида ходимларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, яъни

кексалар, имконияти чекланган шахслар, хотин-қизлар ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлаш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, дам олдиришини ташкил этиш масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бу каби жиҳатлар алоҳида қайд этилган тадбирда ҳудудий кенгашлар раислари томонидан нодавлат ташкилотларини касаба уюшмаларига жалб этиш борасида амалга оширилган ишлар ҳар ой якунида таҳлил қилиниб, Республика кенгаши раиси ҳузурда муҳокама этиб борилаётгани айтиб ўтилди.

Гулруҳбегим ОДАШБЕКОВА
«ISHONCH»

Фаргона вилояти

Ички туризм

Афсонавий шаҳар таассуротлари

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилган «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг!» туризм лойиҳаси орқали ҳар ойда вилоятимиздаги юзлаб ишчи-ҳодимларнинг юртимизнинг турли диққатга сазовор жойларига саёҳатлари ташкил этилмоқда.

Бу сафар турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган 72 нафар ишчи-ҳодим афсонавий Хива шаҳри бўйлаб саёҳат қилди. Саёҳатчиларнинг 30 нафари анклав ҳудуд – Шоҳимардон ҳудудидаги «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлардир.

Айтиш жоизки, юртимизнинг бой ўтмиши, тарихий қадамжолари бўйлаб уюштирилган ушбу саёҳат унутилмас таассуротларга бой бўлди.

Ганишер ПАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фаргона вилояти кенгашининг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Қашқадарё вилояти

Ўрнат

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Касби тумани кенгаши раиси Ботир Исломов ўз вақтида хўжалик раҳбари бўлиб ишлаган, дала-ларда ўза билан тиллашган, туман ҳокимлигида ҳам фаолият юритган. Хуллас, қўпни кўрган етакчи.

Етакчининг фаолият фалсафаси



Сирдарё вилояти

Мозийга саёҳат

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши тармоқларда ишлаётган бир гуруҳ пенсионерлар учун саёҳат уюштирди. Саёҳатчилар, энг аввало, музей билан танишиб, воҳа тарихининг қадимийлигига амин бўлишди. Улар Ховос-обода боришганда ҳайратга тушдилар.

Тарихий маълумотларга кўра, Ховосда 28 та табаррук қадамжо бўлган. Ҳозирги кунга қадар улардан 12 таси сақланиб қолган. Шулардан бири «Хаста бузургон» зиёратгоҳи саналади. Бу зиёратгоҳда «Хаста бузург» лақаби билан улуғланган Жобир бобонинг қабри бор. Бу инсон Ховосни обод қилишда қатнашган ва халқ ўртасида илм-маърифат тарқатган. Шу сабабли «Хаста бузург» дея улуғланган.

«Юсуфбобо» зиёратгоҳида эса қадимда Ховосда темирчилик билан шуғулланган ва табиблик қилган, кейинчалик темирчилар пири, деб улуғланган Юсуфбобо мақбараси мавжуд. «Шербобо» мақбарасида олис ўтмишда Ховосни душманлардан ҳимоя қилган, ҳимоячиларга бош бўлган Иброҳим исмли шерияк инсон дафн этилган. Қадимий «Намозгоҳ» масжидини ховосликлар Жобир бобонинг етуқ, донишманд фарзандлари шарафига «Саъду Саъид» (Сайидларнинг улуғи) номи билан аташган. Бу зиёратгоҳларнинг аксарияти бугунги кунда обод масканларга айлантирилган.

Саёҳатчилар Эски Ховос кўрғонига соҳибқирон Амир Темур, улуг шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ҳам қадами етгани, XV асрнинг иккинчи ярмида ушбу қадимий заминга машҳур шоир Абдурахмон Жомий ва Хўжа Аҳрор Валий ҳам таширф буюрганидан воқиф бўлишди. Кутлуғ қадамжолар зиёратидан мамнун саёҳатчилар касаба уюшмалари тизимидаги Янгир санаторийсидаги қўлайликлар билан ҳам танишдилар.

Хайрулло АМИНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашининг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими ходими

Сурхондарё вилояти

Касаба уюшма аралашгач...

15 нафар ходимнинг ҳуқуқи тикланди

Азизжон Ўринов кўп йиллардан буюн Халқ банкининг Шўрчи тумани филиалида ишлаб келаётган эди. Нима бўлди-ю, бошлиқ билан ораларига совуқчилик тушди. Ўзаро келишмовчилик охир-оқибат ходимнинг қонунга зид равишда ишдан бўшатилиши билан якун топди.

Шундан сўнг у ҳақ-ҳуқуқни тиклашда амалий кўмак сўраб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгашига мурожаат йўллади. Унинг арзи ўрганишлардан сўнг судга оширилди ва натижада Азизжон Ўринов аввалги ишига тикланиши билан бир қаторда, унга мажбурий бекор юрган вақтлари учун 70 миллион 866 минг 927 сўм ойлик иш ҳақи ҳамда 8 миллион сўм миқдорида маънавий зарар ҳам ундириб берилди.

Музработ туманидаги 44-сонли умумтаълим мактаби директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Бекзод Тўрақулов ҳам ноҳақликдан жабр чекканлардан.

Директорнинг ноқонуний буйруғи билан ўз вазифасидан четлатилган ходимнинг манфаатлари судда ҳимоя қилинди. Суд ажрими билан Б.Тўрақулов ишга тикланиб, ойлик маоши, моддий ва маънавий зарар тўлиқ қоплаб берилди.

Даъвогар Зуфар Гадоимуродовнинг ҳимоясини кўзлаб, меҳнат ҳуқуқ инспектори ташаббуси билан Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармасига нисбатан киритилган буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш, иш ҳақи ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризаси ҳам қаноатлантирилиб, унинг фойдасига жами 27 миллион 335 минг 73 сўм маблағ тўланишига эришилди.

Умуман, 2023 йилнинг биринчи чорагида меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан 15 нафар ходимнинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича судларга даъво ариза киритилди ва барчасининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Сурхондарё вилояти

Касаба уюшма аралашгач...

15 нафар ходимнинг ҳуқуқи тикланди

Азизжон Ўринов кўп йиллардан буюн Халқ банкининг Шўрчи тумани филиалида ишлаб келаётган эди. Нима бўлди-ю, бошлиқ билан ораларига совуқчилик тушди. Ўзаро келишмовчилик охир-оқибат ходимнинг қонунга зид равишда ишдан бўшатилиши билан якун топди.

Шундан сўнг у ҳақ-ҳуқуқни тиклашда амалий кўмак сўраб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгашига мурожаат йўллади. Унинг арзи ўрганишлардан сўнг судга оширилди ва натижада Азизжон Ўринов аввалги ишига тикланиши билан бир қаторда, унга мажбурий бекор юрган вақтлари учун 70 миллион 866 минг 927 сўм ойлик иш ҳақи ҳамда 8 миллион сўм миқдорида маънавий зарар ҳам ундириб берилди.

Музработ туманидаги 44-сонли умумтаълим мактаби директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Бекзод Тўрақулов ҳам ноҳақликдан жабр чекканлардан.

Директорнинг ноқонуний буйруғи билан ўз вазифасидан четлатилган ходимнинг манфаатлари судда ҳимоя қилинди. Суд ажрими билан Б.Тўрақулов ишга тикланиб, ойлик маоши, моддий ва маънавий зарар тўлиқ қоплаб берилди.

Даъвогар Зуфар Гадоимуродовнинг ҳимоясини кўзлаб, меҳнат ҳуқуқ инспектори ташаббуси билан Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармасига нисбатан киритилган буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш, иш ҳақи ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризаси ҳам қаноатлантирилиб, унинг фойдасига жами 27 миллион 335 минг 73 сўм маблағ тўланишига эришилди.

Умуман, 2023 йилнинг биринчи чорагида меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан 15 нафар ходимнинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича судларга даъво ариза киритилди ва барчасининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори



ҚАЕРДА ДАМ ОЛИШ АРЗОН:



Маълумки, кунлар исигач, ҳамма ўзини соя-салқин жойларга уради. Бундай дамларда сўлим гўшаларда, тоғ ёнбағирларида дам олишни истовчилар янада кўпаяди. Бироқ бугунги кунда юртимиздаги айрим истироҳат масканларида ҳордиқ чиқариш ўта қимматлигини эшитган киши ҳайратга тушади.

Масалан, яқинда бир танишим дам олиш кунлари оила аъзолари билан бирга тоққа чиққани ва дала-ҳовлидан икки кун фойдалангани учун 7 миллион 200 минг сўм сарфлагани ҳақида оғриниб гапирди. Унинг сўзларини эшитгач, мен ушбу муаммо сабабларини чуқурроқ ўрганиш ниятида Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги бир неча дам олиш масканида бўлиб, улардаги нарх-наво билан қизиқдим.

Аниқлашмича, «Амирсой» тоғ-дам олиш масканидаги тўрт кишилик хоналарнинг ҳар қайсисидан бир кеча-кундуз



Мулоҳаза

Бўстонликдами ёки Дубайда?

фойдаланиш нархи 2 миллион 300 минг сўмдан бошланар, мижоз бир киши бўлса ҳам шунча пул тўлаши шарт экан. Устига-устак, меҳмонлар бу маблағ ҳисобидан фақат нонушта қилишлари мумкин экан. Мен бош менежердан нима учун хоналар нархи бунчалар қимматлигини сўрадим. У эса бунинг сабабини маскан сўлим ва баҳаво ҳудудда жойлашгани, чор атрофи кенг майдондан иборат экани, ортопедик тўшақлар Италиядан келтирилгани билан изоҳлади. Ўз навбатида, табиат қўнида дам олиш ва бошқа хизматлар нархи ҳам турига қараб ҳар хиллигини эслатиб ўтди.

Кейинги манзил энг гўзал манзарали «Арчазор» тоғ-дам олиш маскани бўлди. Бу ерга одамлар асосан жумаякшанба кунлари келишади. Меҳмонхонанинг бир кунлик баҳоси 1 миллион сўмдан бошланади ва шароити хизматларга қараб ошиб боради. Турли уқалаш муолажалари 200 минг сўмдан 580 минг сўмгача, болалар учун эса 180 минг сўм. Барчасининг давомийлиги ярим соатдан иборат. Бу ерда ажойиб таомлар билан нонушта қилиш, суви кўм-кўк бассейнда чўмилиш ва бошқа хизматлардан баҳраманд бўлиш имкони ҳам бор. Албатта, нархлари ҳам шунга яраша...

«Арчазор»дан чиққач, «Лайнер» сари отландим. Бу оромгоҳда душанбадан жумага қадар оддий хоналарнинг бир кеча-кундузлик баҳоси 1 миллион 400 минг сўм, люкслариники 1 миллион 600 минг сўмдан 3 миллион 200 минг сўмгача қилиб белгиланган. Ҳордиқ кунлари эса, мутаносиб равишда 1 миллион 800 минг сўм ва 2 миллион сўмдан 3 миллион 600 минг сўмга қадар кўтарилади. Эвазига сиз хонада дам олиш ва тунашдан ташқари, эрталаб иштиёқ ила овқатланишингиз, кенг майдонда турли спорт ўйинлари билан шуғулланишингиз, отда сайр қилишингиз, амфитеатр ва болалар ўйингоҳлари хизматларидан фойдаланишингиз мумкин.

Энди дала-ҳовли, оддий тилда айтганда, дачалар ва оилавий меҳмонхоналар ҳақида тўхталайлик. Айтишларича, ҳозир уларда бир сутка бўлиш учун 1 миллиондан

10 миллион сўмгача, майдони каттароқ ва барча шароитларга эга бўлганларига эса 20 миллион сўмгача тўлаш зарур. Тоғолди ҳудудлардаги ўртароқ хонадон (оилавий меҳмонхона)ларнинг бир суткалик ижара ҳақи камида 500 юз минг сўмга тўғри келади ва шарт-шароитларига қараб, ошиб боради. Овқатланиш харажатлари бу ҳисобга кирмайди. Дам олувчилар хонадонларга тунаш ва бўш вақтларини кўнгилочар ўйинлар билан мазмунли ўтказиш учун жойлашадилар.

Мен масалага янада ойдинлик киритиш учун «DACHA.UZ» телеграм каналига кирдим. Ҳақиқатан ҳам, нархлар ҳозирданок осмонга чиқа бошлабди. Яхшироқ дачаларнинг ижара баҳоси 400 дан 2000 долларгача кўтарилди. Овқатланиш, кема ёки канатларда сайр қилишга эса алоҳида ҳақ тўланади.

Ҳўп, ҳозир-ку, май ойи. Бу кетишда ёзининг қоқ чилласида нархлар қанчага чиқади? Тошкентдан атиги 70 километр нарида дам олиш жуда қимматга тушмайди? Чунки ижтимоий тармоқларни кузатсангиз, бунча пулга хориждаги доврўғи оламга кетган меҳмонхоналарда ёки ўша юртлардаги денгиз бўйларида бемалол бир ҳафта дам олиш мумкин. Айтайлик, Грузиянинг Қора денгиз соҳилларидаги Батуми шаҳрида бир ҳафта ҳордиқ чиқариш учун 700 долларлик тур пакетлар мавжуд. Унга самолёт ҳақидан тортиб, меҳмонхона, шаҳар айланмиш сарф-харажатлари ҳам киритилган. Худди шунингдек, Дубай, Франция, Туркиядан таклиф қилинаётган тур пакетлар баҳоси ҳам кўпчиликка маъқул келиши табиий.

Мен мулоқотда бўлган мутасаддиларнинг деярли барчаси бу гўшаларда хизмат кўрсатиш ҳақлари қимматлиги сабабини табиатнинг ғоят гўзаллиги ва бетакорлиги билан изоҳлашди. Лекин бу фаройиб манзараларни, сервиқор тоғларни ҳеч бир инсон барпо этмаган-ку! Улар она замин бойликлари ва инъомлари-ку!


Яна бир гап. Ушбу масканлар фаолиятини мувофиқлаштиришга масъуллар билан гаплашганимда, улар

«Биз тадбиркорлар белгиланган нархларга аралаша олмай-миз, бу – маркетинг!» деган мазмунда жавоб бериш билан кифояланишди. Лекин бундай вазиятда хорижлик сайёҳлар диёримизга кўпроқ келишига эришиб бўлмаслиги ҳақида лом-мим дейишмади.

Хабарингиз бор, жорий йил 26 апрелда Президентимиз «Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади. Унда белгиланган вазифалар юртимизда мазкур соҳага жуда катта эътибор қаратилаётганини англатади. Шунингдек, ҳозир тадбиркорларга давлатимиз томонидан солиқ борасида бир қанча қўлайликлар яратилмоқда. Чунончи, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 27 январдаги «Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, Бўстонлик туманида туризм йўналишида хизмат кўрсатётган 8 та маҳалладаги тадбиркорлик субъектлари учун маҳсул 1 фоизли солиқ режими жорий этилди. Натижада бултур 6,5 миллиард сўмдан ортиқроқ маблағ солиқ тўловчилар ихтиёрида қолдирилди. Бу тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида қўшимча маблағ жаланиши ва уларнинг келгуси фаолиятини ривожлантириш учун мустақкам замин яратиши мумкин.

Модомики, соҳа ривожини йўлида шунча ишлар амалга оширилаётган экан, юртимиздаги дам олиш масканларидаги нархлар ҳам ҳамёнбоп қилинса, фойдадан холи бўлмасди, билъақс, топиш-тутиши ўртакча аҳоли қатлами ҳам ўша масканларда ҳордиқ чиқариши учун имконият яратиларди. Шунда ҳамюртларимиз «Дам олиш учун қаерга борганим маъқул – Дубайгами ёки Батумигами?» деб иккиланадиган ўтирмай, тўғри Бўстонлик сари йўл олаверишади.

Ҳолида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



Дағал жунни қайта ишлаш мумкин эмасми?

ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЯНГИ-ЯНГИ МУАММОЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ДУНЁ АҲОЛИСИНING КЎПАЙИШИ ВА ҲАЁТИЙ ТАЛАБЛАР ЎСИШИ ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА. БУ ЎРИНДА ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ ҲАМ ТОБОРА КУЧАЙИБ БОРАЁТГАНИНИ УНУТМАСЛИК КЕРАК.

Хўш, ана шундай бир вазиятда биз берадиган қайта ишлаш мумкин эмасми? Мавжуд моддий бойликларни қоримизга ишлатиш жараёнида баъзан ҳаддан зиёд исрофгарчиликка йўл қўймаймизми? Масалан, ривожланган мамлакатларда кўп жундан ҳам самарали фойдаланилади. Биз эса, гарчи мамлакатимиз бу хомашёни етиштириш бўйича дунёда юқори ўринлардан бирини эгалласа-да, уни қайта ишлаш бўйича анча ортдамыз. Маҳаллий дағал жун толасини қайта ишлаш, тўқимачилик саноати учун ип тайёрлаш қуруқ гап-лигича қолиб кетмоқда.

Оддий бир мисол. Самарқанд вилоятининг чорвачиликка ихтисослашган Нуробод ва Қўшработ туманларида жами бир миллиондан зиёд дағал жунли қўйлар боқилади. Улардан ҳар йили салкам ярим миллион тонна жун қирқиб олинади-ю, чиқиндиҳоналар, ариқ-зовурлар ва сойларга улоқтирилади. Чунки бу маҳсу-

лотга талаб йўқ. Биз вилоят Қорақўлчилик ва яйлов хўжалиқлари уюшмасида бўлиб, айна шу йўналишдаги изланишлар билан қизиқдик. Аниқлашмишча, ушбу ташкилотга атиги 7 та қорақўлчилик, наслчилик ва бўрдоқчиликка ихтисослашган хўжалик аъзо бўлган, уларда 97138 бош қўй-эчки парваришланаётган экан.

– Хўжалиқларимизда сўнгги уч ойда 572,5 тонна гўшт етиштирилиб, 26,3 тонна жун, 1600 донна тери тайёрланди, – дағал жунли қўйлар боқилади. Улардан ҳар йили салкам ярим миллион тонна жун қирқиб олинади-ю, чиқиндиҳоналар, ариқ-зовурлар ва сойларга улоқтирилади. Чунки бу маҳсу-

Баҳром Қодировдан куйидигача жавоб олдик: – Бугунги кунда кўпчилик хўжалиқлар ва аҳоли қўлида фақат гўшт етиштириш учун боқиландиган қўйлар парваришланмоқда. Аммо ҳам гўшт, ҳам жун ва тери берадиган, айниқса, терисига чет элларда ҳамон талаб катта бўлган қорақўл зотли қўйларимиз жуда камайиб кетди. Бир вақтлар Самарқанд сувсари, миллий оқ қорақўл тери берадиган қўй-

Бундан англашиладики, ҳозир аксарият хўжалиқлар ва аҳоли хонадонларида боқилаётган қўйлар жун саноатбоп эмас. Худди шундай сабаблар туфайли бозорда қўй терисига талаб ҳам ҳаминқадар.

Бас, шундай экан, вазиятни ўнглаш учун нима қилиш керак? Ахир, чармининг нархи дунё бозоридан фалон пул бўлганда биз тилимизни тишлаб, афсусланиб қолаверамизми?

Бу саволларимизга қорақўлчилик бўйича йирик мутахассис

Баҳром Қодировдан куйидигача жавоб олдик: – Бугунги кунда кўпчилик хўжалиқлар ва аҳоли қўлида фақат гўшт етиштириш учун боқиландиган қўйлар парваришланмоқда. Аммо ҳам гўшт, ҳам жун ва тери берадиган, айниқса, терисига чет элларда ҳамон талаб катта бўлган қорақўл зотли қўйларимиз жуда камайиб кетди. Бир вақтлар Самарқанд сувсари, миллий оқ қорақўл тери берадиган қўй-



Долзарб мавзу

лар мутасил йўқолиб борапти. Чорвани ривожлантириш учун қўшни давлатлардан келтириладиган қўйлар эса йирик ва гўшт берадиган зотлар ҳисобланади. Устига-устак, бизда гўшт етиштириш саноатлашмаган. Қўйлар асосан қўлда сўйилади ва терисини қассоб шилиб олади. Бу тери яроқсиз маҳсулот саналади. Чунки уни қайта ишлаш учун таркибида маълум миқдорда ёғ бўлиши керак. Шунингдек, терини танадан қиртишлаб ажратиш чоғида унинг сифати бузилади. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун қўй терисини ажратишни автоматлаштириш лозим. Натижада у чиқинди сифатида ташлаб юборилмайди, аксинча, саноатбоп маҳсулотга айланади.

Охириги уч йил ичида мамлакатимизда қорақўлчиликни ривожлантириш бўйича қатор қарорлар қабул қилиниб, зарур имтиёзлар белгиланди. Мавжуд яйлов майдонлари кластерлар тасарруфига ўтказилди. Аммо Самарқанд вилоятидаги кластерлар ҳамон яйловлар муаммосига ечим топгани, фақат уларни тақсимлашдан нарига ўтолгани йўқ. Бундай шароитда чорва наслини яхшилаш, уларнинг териси ва жунини қайта ишлаш хусусида гапириш ортиқча.

Қани, кутайлик-чи, мутасаддилар ушбу муаммога нисбатан қандай муносабат билдиришаркан?..

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Сўранг, жавоб берамиз...

«МОЛИЯВИЙ ПИРАМИДА» БИЛАН ШУҒУЛЛАНГАНЛАРГА ҚАНДАЙ ЖАЗО БОР?

САВОЛ: Бир вақтлар россиялик С.Маероди «молиявий пирамида» ясаб, одамларнинг пулларини ўзлаштирган эди. Шу ёки шунга ўхшаш жиноятларни бизнинг мамлакатда содир этганларга қандай жазо белгиланган?

Сарвар ТўРАЕВ

Термиз шаҳри

ЖАВОБ: Бу турдаги жиноятлар мамлакатимизда ҳам содир этилган. Бунга чинозлиқ Аҳмадбой исмли шахсни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Жиноят кодексининг 188-моддасида пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Ушбу модданинг диспозициясига кўра, мазкур жиноят мулкий манфаат бериш бўйича зиммага мажбурият олиш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолиятни амалга ошириш ва бунда илгарини олинган мажбуриятни жисмоний ва юридик шахсларнинг янги жалб этилган пул маблағлари ва (ёки) бошқа мол-мулкни ҳисобидан бажариш, шунингдек, бундай фаолиятга раҳбарлик қилиш ҳамда шундай фаолият кўрсатилишини таъминлаш, худди шунингдек, мазкур фаолиятда иштирок этишга жалб қилиш мақсадида ушбу фаолиятда реклама қилишга ифодаланган ҳаракатлардан иборатдир.

Бу турдаги жиноятни содир қилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Шунингдек, жиноят кўп миқдорда, такроран ёки хавфли рецидивист ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб ёки оммавий ахборот воситаларидан, телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек, интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳамда ушбу жиноий ҳаракатлар жуда кўп миқдорда, ўта хавфли рецидивист ё уношган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари белгилаб қўйилган.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими



Спорт

ДУНЁНИ ЛАРЗАГА СОЛГАН «ЖИРОЛЛАР»

ёхуд жаҳон чемпионати ҳақидаги ўйлар

... Ва ниҳоят, етти иқлимга овоза бўлган навбатдаги жаҳон чемпионати ҳам ниҳоясига етди. Ғалбир сувдан кўтарилди. Энг муҳими, бу ғалги чемпионат ҳамюртларимиз учун жуда омадли ҳамда асрларга татийдиган натижаларга бой бўлди. Қатор йиллардан буён ҳаваскорлар ва профессионаллар жангида катта шўҳрат қозониб келаётган Баҳодир Жалоловнинг вулқондек кучли зарбаларига дунёнинг манамен деган муштумзўрлари ҳам дош беролмадилар.

Бокс мухлисларининг ёдида бўлса керак, ярим финалда Баҳодирнинг рақиби жароҳатини баҳона қилиб рингга чиқмади. Аслида у профессионал боксчининг темир муштига дучор бўлишдан ҳайкиб, финал йўлланмасини жангсиз топширганди.

Финал баҳси давомида жаҳон чемпионати олтин медалга олиш илнжидида келган аскарят дунё юлдузлари ҳам Баҳодирдан чўчиши яна бир бор исботини топди. Хал қилувчи жангнинг биринчи раунди охирида ноқдаун ҳолатига тушган кубалик рақиб иккинчи раундда юртдошимизга сўзсиз таслим бўлди ва олтин медални унга қўшқўллаб топширди.

Очинини айтганда, Баҳодир Жалоловнинг ярим финал ва финал жанглири учун асраб қўйган ички энергияси умуман юзага чиқмади, лоақал ҳаракатлари ёки юз-кўзларида ҳам зоҳир бўлмади. Баҳодир чорак финалдан сўнг ҳатто терлашга ҳам улгурмади.

Мен бокс бўйича бўлиб ўтадиган ҳар қандай халқаро мусобақалару жаҳон чемпионатларида Ҳасанбой Дўсमतовнинг жанглирини эътибор билан кузатардим. Назаримда, бу йигит бироз омадсизроққа ўхшарди. Аслида у рингга ҳеч қачон тай-ёргарликсиз чиқмайди. Рақиблири кучини яхши чамали олади ва шунга яраша ҳаракат қилади. Аммо ғолиб бўлиши учун нимадир етмаганини йиллар давомида барчамиз бот-бот сезганмиз.

Бундай номуносивлик кўпинча боксчимиз руҳиятига жиддий таъсир кў-

сатиб келгани ҳам бор гап. Ҳасанбой ҳаваскор рингда омади юришмаётганини дилдан ҳис қилган ҳолда, профессионалликка ўтиб кетганди. Пировардида Тошкент рингларида мухлисари ва мураббийлари ишончини тўла-тўқис оқлаб, терма жамоамиз ҳисобини иккинчи олтин медал билан бойитди. У бўйи ўзиникидан анча баланд рақибини иккинчи раунд бошида қарсиллатиб ерга қулатганини ҳаммамиз кўрдик-билдик. Бу ғалаба Баҳодир Жалоловни ҳам, ундан кейин рингга чиққан бошқа боксчиларимизни ҳам беҳад руҳлантириб юборди. Натижаси эса барчамизга аён: терма жамоамиз аъзолари иккинчи бор жаҳон чемпионатида биринчи ўринни эгаллашди.

Энди мана бу далилларга эътибор қаратинг. Янглишмасам, 1973 йилдан то 2023 йилнинг 14 майига қадар бўлган давр оралиғида, Руфат Рисқиевни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 11 нафар боксчимиз жаҳон чемпионлигини кўлга киритди. Агар Руслан Чагаев, Аббос Атоев ва Баҳодир Жалоловлар жаҳон чемпионатларида икки мартадан олтин медалга олганини эътиборда тутсақ, жангчиларимизнинг Ўзбекистон бокси равангига қўшаётган ҳиссаларига ҳамма ҳавас қилиши аниқ.

Сирасини айтганда, мустақиллик барча спортчиларимизни руҳлантириб юборган шубҳа йўқ. Лина Чирязова жаҳон олимпиадаси ғолиби дея эътироф этилган вақтдан Руслан Абдуллаев жаҳон чемпионига айланган кечаги кунгача бўлган давр оралиғида спортчиларимиз

халқаро аренаalarda қўлга киритган медаллар сони минтақадан ошган бўлса ошгандирки, ундан кам эмас. Биргина Баҳодир Жалоловнинг ўзи юртимизга Осиё чемпионатларида, жаҳон биринчиликлари-ю олимпиадаларда, турли халқаро мусобақаларда йигирмадан ортик медаллар шодасини тақдим қилганини ҳеч ким инкор этолмайди. Яна шунини мамнуният ила таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон кейинги йилларда бокс мamlakatига айланди. Жаҳон чемпионати юртимизда ўтказилиши ҳам бежиз эмас.

Хўш, республикамизда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати яна нимаси билан хотирамизда ўчмас из қолдирди? Биринчидан, терма жамоамиз мусобақага янглинган ҳолда келди. Иккинчидан, юртимизда уч нафар янги жаҳон чемпиони пайдо бўлди. Учинчидан, кумуш ва бронза медалларга сазовор бўлган боксчиларимиз орасида келажаги порлоқ ёш спортчиларимиз ҳам бор. Демак, кейинги жаҳон чемпионатларида бундан ҳам кўпроқ натижаларга эришимиз мумкин.

Юртимизда жаҳон чемпионати ўтказилгани дунё ахлига «Тошкент йўлбарси» – собиқ жаҳон чемпиони, жаҳон олимпиадаси кумуш медали совриндори Руфат Рисқиевни яна бир бор эслати. Чемпионат арасида унга халқаро бокс ташкилоти томонидан муқаддам кўрсатган қаҳрамонликлари учун бирийўла 10 минг АҚШ доллари миқдорига мукофот топширилди ва умрининг охиригача ҳар ойда минг АҚШ доллари миқдориди нафақа тайинланди.

Бунинг учун халқаро бокс ташкилотига барча юртдошларимиз номидан миннатдорлик билдираимиз.

Энди Тошкентда бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати совриндорлари билан танишинг.

ОЛТИН МЕДАЛЬ

Асадхўжа Муйдинхўжаев – 67 кг.
Ҳасанбой Дўсमतов – 51 кг.
Баҳодир Жалолов – +92 кг
Абдувалик Холаков – 57 кг.
Руслан Абдуллаев – 63,5 кг.

КУМУШ МЕДАЛЬ

Ойбек Жўраев – 54 кг.
Саиджамшид Жафаров – 71 кг.

БРОНЗА МЕДАЛЬ

Аълохон Абдуллаев – 75 кг.
Лазизбек Муллажонов – 92 кг.

Умумий ҳисобда терма жамоамиз 9 та медал билан биринчи ўринни эгаллаган бўлса, қозғонувчиликлар иккинчи, Россия Федерацияси вакиллари учинчи ўринни банд этишди.

Нормурод МУСОМОВ
«ISHONCH»

Чемпионларимизга ҳам, ишқибозларимизга ҳам ғолиблик муборак бўлсин!

Ният

Ўқувчилик йилларим уйимизга қўшимча бир хонали уй қурганимиз. Томи ёпилгач, ичини сувоқ қилиш учун дадам Абдуназар қорини айтиб келдилар. Бухоро мадрасасида таълим олган бу донишманд киши ўша йиллари бир сабаб билан қишлоғимизга келиб, шу ерда муқим яшаб қолган, Қуръон тиловатида пешқадам бўлса-да, буни ошкор қилмас, ким иш айтса, йўқ демасди. Биров бир гапни бузиб, бутунлай тескарисини айтса ҳам «Э, шунча эканми, бай-бай, қаранг-а, биз аҳмоқлар мадрасада уламолар бошқача тушунтиришса, ишониб юраверган эканмиз-да», дерди-қўярди.

Лой етилгач, мен уни яхшилаб ийлаб, ҳовучимда Қори бувага узатаман, у киши сув сепилган деворга чаплайдилар. Ёшлик қилиб бир нималарни сўрайман, тушунтириб беради.

Бир пайт ҳовлимизга тоғда яшайдиган чўпонлардан бири кириб келди. Ўша кунлари Ўнҳаятда яшайдиган Адашвой тоғамиз оламдан ўтган эди, Чўпон Қори бувани танимай, марҳумнинг руҳига ўзи билганича тиловат қилди-да, бир тишлам нонни оғзига солиб, ўрнидан турди.

Чўпон кетгач, мен бувага чўпоннинг тиловатида хатолари борлигини айтганим, у киши «Майли-майли, шунча жойдан ният қилиб келибди, хатони тuzатса бўлади, ниятда гап кўп, қани, лойдан узатинг», деди.

Бу гапнинг маъносини англаш учун кўп китоб варақладим. Ҳазрат Навоий «Амалларнинг боши – ниятнинг хolisлигида. Ният хolis, кўнгил тоза бўлмас экан, фақиҳлик каби шарафли касб ҳам номаи аъмолнинг гуноҳлардан холи бўлишига кафолат беролмайди», деган экан.



Қатралар

Омад

Бир йили кеч кузда доvon орқали водийга бораётганим. Ҳаво совуқ, қўйликдан тўрт йўловчи қиракаш йигитнинг эски машинасида йўлга тушдик. Довонга яқинлашганимизда йўл назорати ходимлари машинамизни тўхтади, таъмир ишлари бораётганини, бироз сабр қилишимизни айтишди. Хўп дейишдан бошқа илож йўқ. Бир зумда машиналар турнақатор бўлиб кетди. Қутиб турдик. Қурувчилар тоънинг хавфли жоиларини портлатиб, йўлни кенгайтиришгаётган экан. Орадан бир соатдан кўп вақт ўтдики, портлашдан дарак йўқ.

Қоринлар гулдайри бошлади. Йўл ёқасидаги ошхонага кириб, ярим косадан шўрва ичгандай бўлдик. Ошхона ичи бетоқат йўловчилар билан тўлиб кетди. Ҳаш-паш дегунча шўрва тугади. Нон билан чой қолди, холос. Нон сотаётган йигитнинг қўли-қўлига тегмайди. 800 сўмлик патир бир зумда 1000 сўмдан, кейин 1200 сўмдан сотила бошланди. Нонвой бола икки марта нон олиб келди. Очққан одам кўп. Кимдир «Бир кишига биттадан сот», деб болага дўк урди ҳам.

Патирнинг нархи 1500 сўмга чиққанида, тоғ томондан портлаш овози эшитилиб, ҳавога чанг-тўзон кўтарилди. Қурувчилар яна ярим соат куттириб, йўлни тозалашди. Ҳамма машиналарга ўтирди, палапартиш сигнал бериш, «Ҳой, кўзингга қара», «Сўқилма», «Ўпкангни бос», «Ҳе, ўқимаган» деган сўқинишлар қулоққа чалинди, кўпқаричилардай йўл талашиб авж олди.

Ошхонадан чиқиб, машинамиз томонга бораётганимда, қўлида бир даста пул тутиб, шериклари олдида мағрур турган нонвой болани кўриб қолдим. Унинг кўзларидай бахтли, омадли кўз йўқ эди дунёда. Аммо бу йигитча йўл ноизларининг ҳай-ҳайига қарамай, уларга қандайдир қоғозни кўрсатиб, юришда давом этган шошқалоқ ҳайдовчи шу топда тошбўронга учраганидан беҳабар эди...

Аҳмаджон МЕЛИБОВ

Эълонлар

«SURXON SAVDO INVEST» МЧЖ мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

Ангор тумани ҳоқимлигида тегишли бўлган, 2018 йилда ишлаб чиқарилган, 75 026 DAV давлат рақамли, техник таъмирталаб ҳамда нозок ҳолатдаги «CAPTIVA-2» автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси: 120 000 000 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2023 йил 13 июнь кунини соат 11:00 да Термиз шаҳри И.Каримов кўчаси, 162-уй, 1-хонадонда очиқ аукцион комиссияси иштирокчида ўтказилади.

Юқориди мулк 2023 йил 13 июнь кунини аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ёки савдо ғолиби белгиланган мuddатда шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажарилмаса, такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Автотранспорт воситалари билан Ангор тумани ҳоқимлиги ходимлари иштирокчида бевосита

жойига чиқиб, танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар гаров пули тўғрисида келишувни имзолашлари керак. Талабгорлар «Гаров пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда гаров пулини «SURXON SAVDO INVEST» масъулияти чекланган жамиятининг ҳисобрақамига (банк: ХАБ «Трастбанк» Термиз филиали, МФО: 01063, х/р: 2020 8000 1005 1270 9001, СТИР: 303477661) тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусxada топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, гаров пули тўлангани ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 2 (икки) соат олдин тўхтатилади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Термиз шаҳри, И.Каримов кўчаси, 162-уй, 1-хонадон. **Телефон:** +998 (76) 221-90-36.

Гувоҳнома № 903

1993 йил 8 январда Губарев Виктор Владимирович номига берилган №08-01/11423 рақамли давлат далолатномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.



ISSN 2010-5000 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'UYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari).

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»).

Valentina MARSENKAY (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»).

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatiliishi shart.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir
A. Haydarov

Musahhihlar:
O. Bozorova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 01:10
Topshirildi – 01:30

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillik:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:

2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «ipoteka bank»
Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959,
BTK: 201133889,
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma taqob.
Buyurtma G-513
Nashr ko'rsatkichi: 133

1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 31183
14510 nusxasi «Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.